
Фарзандларни моддий таъминлаш – ота-онанинг Конституциявий бурчидир

Ўзбекистон туман прокуратураси ва Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан оилаларнинг ажралишини олдини олиш, уларни яраштириш, ишсиз қарздорларни ишга жойлаштириш ҳамда бу соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида масъул идоралар билан биргаликда 26.05.2022 йил куни “Фарзандларни моддий таъминлаш – ота-онанинг Конституциявий бурчидир” ғояси асосида тадбирлар ташкил этилди.

Хусусан, Ўзбекистон тумани 2-сектор штаб биносида ташкил этилган тадбирда туман ҳудудларидан келган 80 га яқин никоҳдан ажрашган ва ажрим ёқасида турган эр-хотинлар, алимент тўловчи қарздорлар ва бошқа дахлдор фуқаролар қатнашди. Тадбир давомида туман прокуратураси ва Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими раҳбарларининг маърузалари билан очиб берилди.

Шундан сўнг, сўз олган мутахассислар, намунавий оила сифатида таклиф этилган И.Э.лар оиласи ҳамда имом хатиблар томонидан оила муқаддаслиги, оилавий ажримларнинг салбий оқибатлари, боланинг таъминоти, таълими ва тарбияси масалалари алоҳида таъкидланди ҳамда оилаларни тиклаш ва сақлаб қолиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Тадбир давомида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилиб, 12 та ташкилот ва муассасалар 105 та бўш иш ўринлари билан иштирок етди. Меҳнат ярмаркасида жами 12 нафар шундан 5 нафар алиментдан қарздорлар ишга жойлаштирилиб, алимент ундируви қарздорларнинг ойлик иш ҳақиға қаратилди.

Мисол учун, Ўзбекистон туман Қудаш қишлоғида жойлашган “Ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи”га И.Ё.ни “Ҳайдовчи” вазифасига ишга қабул қилиш юзасидан тегишли буйруқ расмийлаштирилиши таъминланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон туман халқ таълим бўлими тасарруфидаги 50-сонли умумий ўрта таълим мактабига М.И. “Қоровул” вазифасига ишга қабул қилиш юзасидан тегишли буйруқ расмийлаштирилиши шулар жумласидан. Шунингдек, 4 та ижро ҳужжатлари бўйича 50,1 млн. сўм алимент пуллари ундирилишига, бу билан 5 нафар вояға етмаганларнинг ҳуқуқи тикланишига эришилди ва 2 нафар оилалар яраштирилди. Жумладан, 05.04.2022 йилги суд буйруғига асосан алиментдан қарздор Ш.Ю.нинг ундирувчи Д.Мирзаева фойдасига 2022 йил май ойи ҳамда келгусидаги 5 йиллик алимент пуллари умумий жами 46.677.840 сўм алимент пули ундириб берилиши таъминланди. Шунингдек, 25.03.2021 йилги суд буйруғига асосан алиментдан қарздор С.И. шу куни ундирувчи Ш.И. билан (1 нафар фарзанди бор), яраштирилганлигини кўрсатиш мумкин. Алимент пулини олишда қулайлик яратиш ва тўловлар ҳисобини юритиш мақсадида ундирувчиларға 6 та банк пластик карталари тарқатилди. Келгусида, оилавий ажримларнинг олдини олиш, уларни яраштириш, ишсиз қарздорларни ишга жойлаштириш, алиментларни ундириш ҳамда ёшларни вақтини мазмунли ўтказиш борасидаги тадбирлар давом эттирилади.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими